

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АЛТИЕВ РАЗЗОҚ САИДОВИЧ

**ФИРИБГАРЛИКНИНГ ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ
ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract

Алтиев Раззоқ Саидович

Фирибгарликнинг жиноят-хукуқий ва криминологик

жиҳатлари.....3

Алтиев Раззоқ Саидович

Уголовно-правовые и криминологические аспекты мошенничества.....25

Altiev Razzoq Saidovich

Criminal-legal and criminological aspects of fraud.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/13.05.2020.Уч.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АЛТИЕВ РАЗЗОҚ САИДОВИЧ

**ФИРИБГАРЛИКНИНГ ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ
ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Yu201 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Очилов Ҳасан Рашидович

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Расмий оппонентлар:

Абдуқодиров Шерзод Ёқубжонович

юридик фанлар доктори (DSc), доцент

Ахмедова Гузалхон Утқуровна

юридик фанлар доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар малакасини ошириш
маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.:(99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (939-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «1» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «1» декабрдаги «б» рақамли реестр баённомаси).

У.А. Тухташева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори (DSc),
профессор

Д.Г. Камалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Н.С. Салаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори (DSc), профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳамда рақамли иқтисодиёт ривожланиши, хусусан, мулкый характердаги битимларни онлайн интернет платформалари орқали расмийлаштиришини оммалаштириши билан мулкый ҳуқуқлар дахлсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунё иқтисодий тизимидаги жадал ўзгаришлар замирида фирибгарлик содир этиш анча осонлашди ва у дунёда латентлиги юқори бўлган жиноятлардан бирига айланди. Жумладан, PwC халқаро илмий тадқиқот маркази томонидан 2020 йилда ўтказилган тадқиқотларга кўра сўнгги 2 йил ичида дунёнинг етакчи компаниялари иқтисодий жиноятчилик натижасида кўрган зарарининг 47 фоизи фирибгарликка тўғри келиши, жорий йилда эса ушбу компанияларга 42 млрд доллар миқдоридаги зарар етказилганлиги сўнгги 20 йилдаги энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилган¹.

Жаҳонда мулк, унга бўлган ҳуқуқнинг дахлсиз эканлиги боис уни жинойий тажовузлардан муҳофаза қилиш, фирибгарлик учун жавобгарлик ва жазо белгилаш, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш, жиноят қонуни тегишли нормаларини такомиллаштириш, мулкка қарши жиноятларни олдини олишнинг самарали йўналиши ва истиқболларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жумладан, БМТ Молия Кўмитасининг 165-сессиясида «Фирибгарлик ва коррупцияга қарши курашишнинг янгиланган меъёрлари»² қабул қилиниши ва фирибгарлик ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг ягона стандартларини қабул қилиниши бугунги кунда фирибгарликка қарши курашиш дунё миқёсида долзарб аҳамият касб этаётганлигини англатади.

Республикамизда мулкнинг хилма-хил шакллари муҳофазасини кучайтириш, мулк ҳамда мулкый ҳуқуқлар кафолатларини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисмини содир этган шахсларга нисбатан ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилиш, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги рағбатлантирувчи қоидаларни ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ иқтисодиёт асосларига қарши жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш»³ билан қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, ушбу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ <http://www.eg-online.ru/news/420448>

² <http://www.fao.org/documents/card/ru/c/a85eb192-8c31-45e1-9b8d-ac2533258738>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 йил), Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017 йил) Фармонлари, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил), «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018 йил) қарорлари, «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020 йил) ҳамда «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2020 йил) Фармонлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларинда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш устувор йўналиши»га мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик масалалари республикамизда Қ.Р. Абдурасулова, Р. Кабулов, Б.Дж. Ахраров, Р.А. Зуфаров, М.Ҳ. Рустамбаев, П. Бакунов, Ф. Тахиров, А.Г. Закирова, Ш.Ё. Абдуқодиров, Н.С. Салаев, У.М. Мирзаев, Т.Х. Хасанов, Ҳ.Р. Очилов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Фирибгарлик, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари МДҲга аъзо давлатлар олимлари: А. Архипов, И.А. Мусьял, В.А. Маслов, А.А. Боровков, С.М. Мкртчян, И.А. Волкова, Н.А. Лопашенко, М.Ф. Мусаелян, Г.К. Смирнов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Фирибгарлик ва унга қарши курашишнинг айрим масалаларига хорижий олимлар: Chad Orsen Albrecht, Edgar Alonso Lopez-Rojas, Gorton Dan, Lars-Göran Mattsson, Simin Nadjm-Tehrani, Anders Stenström, Janne Flyghed, Felipe Estrada, Adam Crawford, Alan Doig, Dominic Peltier-Rivest, Nicole Lanoue, Ayad H.A. Al-Azzawi⁴ кабиларнинг илмий ишларида эътибор берилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишларида фирибгарлик жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан комплекс тарзда тадқиқ этилмаган. Шу муносабат билан мазкур турдаги жиноятнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини ўрганиш қилмишни квалификация

⁴ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

қилиш ва унга нисбатан жавобгарлик белгилаш билан боғлиқ қонунчилик базасини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Жиноят кодексини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти муаммолари», «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари» илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзгалар мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини комплекс ўрганиш асосида аниқланган муаммоларнинг ечимини топиш ҳамда мазкур жиноятнинг олдини олишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзгалар мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш тушунчаси, жиноят-ҳуқуқий тавсифи ва ривожланиш тарихини таҳлил қилиш;

айрим хорижий давлатлар Жиноят кодексларида фирибгарлик учун жавобгарлик масалаларини қиёсий таҳлил қилиш;

ўзгалар мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг объектив белгиларини ўрганиш;

ўзгалар мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг субъектив белгиларини тадқиқ этиш;

ўзгалар мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишни квалификация қилишнинг айрим масалаларини таҳлил қилиш;

ўзгалар мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишга криминологик тавсиф бериш ва унинг сабабларини аниқлаш;

фирибгарликни олдини олиш ва профилактикасини ташкил қилишнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

фирибгарликка қарши курашиш ва унинг профилактикасини ташкил қилишни такомиллаштиришга оид тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунида ўзгалар мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик ва унинг олдини олиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд-тергов амалиётига доир ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда умумиллий услублар: функционал ёндашув, мантиқийлик, тизимлилик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик, социологик сўровлар ўтказиш каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноят қонунчилигида хизмат мавқеидан фойдаланиб ўзгалар мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши зарурлиги асосланган;

фирибгарлик жиноятини содир этиш натижасида жабрланувчига анча миқдорда зарар етказилган тақдирда мазкур қилмиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиниши зарурлиги асослаб берилган;

фирибгарлик жинояти натижасида мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ нафақат мулкдордан, балки унинг вакилидан ҳам ўзлаштирилиши мумкинлиги асосланган;

алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари ёрдамида манипуляция қилиш орқали талон-торож қилиш компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик сифатида баҳоланиши зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жиноят кодексининг 167, 168 ва 184-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилмаслиги лозимлиги асосланган;

Жиноят кодекси 168-моддаси диспозициясининг «Фирибгарлик, яъни ғаразғўйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш мақсадида алдаб, ишончни суиистеъмол қилиб ёхуд чалғитувчи маълумотлар ва усулларни қўллаган айбдорга мол-мулкани ёки мулкый ҳуқуқларини ўз ихтиёри билан топшириши, хизматлар кўрсатиши ва (ёки) битимлар тузиши, зиммасига мажбуриятлар олиши ёки мажбуриятлардан озод этилишида ифодаланадиган жабрланувчига ёки учинчи шахс манфаатларига зарар етказиш» деган янги таҳрири ишлаб чиқилган;

пора беришга далолат қилиб, фирибгарлик содир этилган бўлса, қилмиш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилган фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозимлиги асосланган;

Жиноят кодекси 168-моддаси 2-қисмида ахборот тизими, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳамда тўлов карталаридан ёки сохта карталардан ёхуд электрон тўлов воситаларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик дифференциация қилиниши лозимлиги асосланган;

Жиноят кодексига «Кредитлаш соҳасидаги фирибгарлик» учун жавобгарлик белгиловчи 168¹-моддани киритиш таклифи асосланган;

Жиноят кодексини «Пенсиялар, ижтимоий нафақалар олиш ва расмийлаштиришдаги фирибгарлик» учун жавобгарлик белгиловчи 168²-модда билан тўлдириш таклифи ишлаб чиқилган;

мазкур жиноятларнинг олдини олиш чоралари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

фирибгар жиноятчи шахсига криминологик тасниф берилган;

фирибгарликнинг сабаблари сифатида иқтисодий-ижтимоий омиллар гуруҳлаштирилган;

вояга етмаганлар ва аёллар томонидан содир этилган фирибгарликнинг ўсиш суръатлари пастлигининг иқтисодий-ижтимоий сабаблари аниқланган;

жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, ўзгалар мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган жиноят-ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш, ушбу жиноятларнинг олдини олишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиётига асосланган. Бундан ташқари, хулосалар 200 нафардан ортиқ тергов, суд органлари ҳамда адвокатлар ўртасида ўтказилган социологик сўров ва тадқиқотлар, 2015-2020 йиллардаги статистик маълумотлар, шунингдек 200 дан ортиқ суд ҳукмларининг таҳлили натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қоидалар жиноят ҳуқуқи ва криминология фанлари назариясининг ривожланишига хизмат қилади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган хулосалардан илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юридик олий ўқув юртларида жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларидан дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот фирибгарлик, унинг янги усуллари учун жавобгарлик белгилаш ва унинг олдини олишда мавжуд муаммоларни бартараф этишда намоён бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти фирибгарлик учун жавобгарлик белгилаш, ЖК 168-моддаси нормаларини тўғри қўллаш, унинг олдини олиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлигида ифодаланади. Тадқиқот натижалари жиноят қонунининг тегишли нормаларини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқишга, ўзгалар мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишга қарши курашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фирибгарлик жиноятининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жиноят қонунчилигида хизмат мавқеидан фойдаланиб ўзгалар мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши зарурлиги тўғрисидаги таклиф ЖК 168-моддаси 3-қисмига ўзгартириш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ

масалалари кўмитасининг 2020 йил 11 майдаги 06/1-05/1214-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликнинг дифференциациясига хизмат қилган;

ўзгалар мулкини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан анча миқдорда талон-тарож қилинишини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида дифференциация қилиниши зарурлиги тўғрисидаги таклифдан Жиноят кодекси 168-моддаси 2-қисмига ўзгартириш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2020 йил 11 майдаги 06/1-05/1214-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши фирибгарлик натижасида етказилган зарар миқдоридан келиб чиқиб, айбдорга адолатли жазо тайинлашга хизмат қилган;

фирибгарлик жинояти натижасида мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ нафақат мулкдордан, балки унинг вакилидан ҳам ўзлаштирилиши мумкинлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сон қарорининг 3-бандига ўзгартириш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 9 октябрдаги 08/УМ-587-20-сон хати). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши қилмишни жиноят сифатида баҳолаш ва унга нисбатан жазо тайинлашда жиноят қонунининг қонунийлик ва инсонпарварлик принципларига риоя этилишига хизмат қилган;

алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари ёрдамида манипуляция қилиш орқали талон-торож қилиш компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик сифатида баҳоланиши зарурлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сон қарорининг 20-бандини янги таҳрирда қабул қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 9 октябрдаги 08/УМ-587-20-сон хати). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, содир қилинган фирибгарликни тўғри квалификация қилинишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 7 та илмий мақола (улардан 2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **«Фирибгарлик учун жавобгарликнинг умумий тавсифи»** номли биринчи бобида ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш тушунчаси, қилмишнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи ва фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган қонун нормаларининг ривожланиш тарихи, унинг учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати ёритилиб, унинг ҳуқуқий белгилари, ижтимоий хавfli қилмиш сифатида тақиқланишига доир назарий-ҳуқуқий қарашлар ўрганилган, баъзи хорижий давлатлар қонунчилигидаги фирибгарлик учун назарда тутилган жавобгарлик, айрим хорижий давлатлар қонунчилиги нормалари миллий жиноят қонуни нормалари билан қиёсий таҳлил қилинган.

Диссертант мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг нисбатан кўп тарқалган тури эканлигига урғу бериб, сўнгги йилларда фирибгарликнинг умумий ўсиш суръатлари, унинг кўринишлари кўпайиб бораётганлиги хавотирли ҳолат эканига эътибор қаратган.

Ушбу бобда фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати ўрганилиб, кишилик жамияти ривожининг турли босқичларида мулкка ва мулккий ҳуқуққа оид муносабатларнинг шаклланишини қадимдан мулк ҳуқуқнинг дахлсиз, энг устувор қадриятларидан бири эканлиги билан боғлаб тадқиқ қилинган.

Жумладан, тадқиқотчи фирибгарлик тушунчасига оид турли ёндашувлар мавжудлигини қайд этиб, асосий ёндашув жиноятнинг объектив томони, яъни мулкка тажовуз қилишнинг усули билан изоҳланишини эътироф этган. Ишда фирибгарлик тушунчасига луғавий, теологик, жиноят ҳуқуқий (доктринал ва аутентик) ва хорижий давлатлар қонунчилиги асосида изоҳ берилган.

Ўз навбатида, мазкур бобда мулк ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормаларнинг ривожланиши тарихининг ҳар бир даврга алоҳида ёндашилган ва қадимдан мулк ҳуқуқини муҳофаза қилиш турли усул, воситалар ёрдамида амалга оширилганлиги, уларнинг ҳуқуқий асослари сифатида Авесто, мусулмон ҳуқуқи (шариат нормалари)да мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид аниқ таъриф берилганлиги қайд қилинган. Жумладан, мусулмон ҳуқуқи манбаларида мулкдорнинг мулк ҳуқуқига тажовуз қилганликда

ифодаланувчи ҳуқуқбузарлик – «ғасб»нинг тадқиқ этилган жиноятнинг мазмун-моҳиятига жуда яқин эканлиги аниқланган.

Диссертант Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихини ўрганишда РСФСРнинг 1922 йилдаги, Ўзбекистон ССРнинг 1926, 1959 йилдаги Жиноят кодексларидаги мазкур жиноят учун жавобгарлик белгиланган нормаларини қиёсий таҳлил қилган.

Муаллиф бозор муносабатлари хусусий мулк асосида ташкил топишига тўхталиб, Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан барча мулк шакллари бир хилда ҳимоя остига олинганлиги, 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жиноят қонуни вазифалари тубдан янгилангани муносабати билан хусусий мулк дахлсизлиги алоҳида ҳимоя объекти сифатида муҳофаза қилинганлиги жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни бошқариш тизимида демократик тамойилларга амал қилиш устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлаган.

Ўз навбатида, қонунда фирибгарлик тушунчасига берилган таъриф бугунги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига мос келмаслиги, унда жиноятнинг умумий белгилари ифодаланганлиги сабабли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ва фирибгарликни фарқлашда муаммолар мавжудлиги, фирибгарликка аниқ илмий ва ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги, ушбу ҳодисанинг жиноят-ҳуқуқий сиёсат доирасида комплекс, тизимли ўрганилмаганлиги, жиноят қонуни нормаларини қўллашда қатор қийинчиликлар борлиги алоҳида кўрсатилган.

Диссертацияда фирибгарликка қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан бу борадаги айрим хорижий давлатлар жиноят қонуни нормаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгаллиги, ушбу мамлакатлар жиноят қонунларида тадқиқ этилаётган қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормалар тузилиши турлича эканлиги аниқланиб, тадқиқотчи фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган нормаларни қиёсий таҳлил қилиб, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини учга: роман-герман; англо-саксон ҳуқуқ тизимига мансуб давлатлар; МДҲга аъзо давлатлар жиноят қонунчилигига ажратиб ўрганган. Хусусан, роман-герман ҳуқуқ тизимига мансуб давлатлардан ГФР, Австрия, Франция, Испания, Швейцария, Швеция ва Финландия; англо-саксон ҳуқуқ тизимига мансуб давлатлардан Буюк Британия, АҚШ, Канада; МДҲга аъзо мамлакатлар: РФ, Молдова Республикаси, Арманистон, Беларусь, Тожикистон, Қозоғистон ва бошқа давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлил қилиниб, ушбу давлатлар жиноят қонунида ҳам фирибгарлик учун жавобгарлик назарда тутилганлиги кўрсатилган.

Диссертант томонидан роман-герман ҳуқуқ тизимига мансуб айрим мамлакатлар жиноят қонунчилиги қиёсий таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими ушбу оиланинг аъзоси бўлса-да, фирибгарлик тусига эга қилмишларни криминализация қилишга бўлган миллий жиноят-ҳуқуқий ёндашув фарқланиши таъкидланиб, ушбу тафовутлар қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

1) роман-герман ҳуқуқ тизимида мансуб давлатлар жиноят қонунчилигидаги фирибгарлик тушунчаси, унинг объекти мол-мулк муҳофазасини таъминловчи ижтимоий муносабатларга таъжовуз қилувчи талон-торождан ажратилган. Аксарият ҳолларда, фирибгарлик фойда олиш мумкин бўлган деярли барча соҳаларда амалга оширилиши мумкинлиги эътироф этилган. Шу сабабли, фирибгарлик жуда кенг талқин қилинади ва у содир этишнинг алдаш (интеллектуал) усулига боғланади;

2) фирибгарликнинг объектив томонини тавсифловчи асосий усул сифатида кўпинча алдов кўрсатилган. Бунда, алдов нафақат интеллектуал таъсир орқали, балки айбдорнинг ўзи ёки учинчи шахснинг мулкӣ фойда олиш унинг бошқа турли ҳийла-найрангларни ишлатиши билан тавсифланади;

3) аксарият давлатлар жиноят қонунида ишончли суиистеъмол қилиш мустақил жиноят таркибини ташкил этади ва шахснинг ўзи эгаллаб турган лавозимидан фойдаланиб, унга билдирилган ишонч суиистеъмол қилинишини назарда тутаяди. Баъзи мамлакатлар ЖКда ушбу белги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (Финляндия, Испания). Мазкур қоидаларда ишонч нафақат эгаллаб турган лавозими билан боғлиқ, балки жабрланувчи ва айбдор ўртасидаги шахсий ўта ишончли муносабатлар сифатида изоҳланади;

4) ўрганилган давлатлар жиноят қонунида фирибгарлик таркиби субъектив томони факультатив белгиси – мақсад зарурий белги сифатида акс этган. Шу сабабдан ҳам қилмишни содир этишда муайян мақсаднинг мавжуд эмаслиги, фирибгарликнинг тамом бўлиш вақтини аниқлашда муаммолар келтириб чиқаради;

5) ушбу жиноятнинг субъекти, муайян мамлакат қонунчилигининг хусусиятларидан келиб чиқиб, фирибгарлик учун жавобгарликка тортиш имконини берадиган умумий белгилар билан тавсифланади. Айрим мамлакатлар ЖКда юридик шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилган, аммо жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги ҳам истисно қилинмайди (Испания, Франция);

6) таҳлил қилинган мамлакатлар ЖКда жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар аксарият ҳолларда бир-бирига ўхшашдир. Қоида тариқасида, улар зарарнинг миқдори; қилмишни содир этишда иштирок этган шахслар сони; мансаб ваколатларининг мавжудлиги; рўй берган оқибатлар ва бошқа мезонларга кўра белгиланади. Жумладан, Испания ЖКда жиноятнинг турига қараб, процессуал фирибгарлик учун жавобгарлик мустаҳкамланган, унинг моҳияти шундаки, айбдор томонидан далилларни сохталаштириш ёки бошқа манипуляцияларни содир этиш натижасида қонунга хилоф қарор қабул қилинади. Австрия ЖКда спортдаги натижаларни қалбакилаштириш мақсадида Допингга қарши конвенция рўйхатига киритилган тақиқланган моддалар ёки усуллардан фойдаланиш фирибгарликнинг квалификациявий белгиси сифатида кўзда тутилган. Швеция ЖКда фирибгарликнинг аниқ квалификациявий белгилари мавжуд эмас, аммо жавобгарликни оғирлаштириш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда содир этилган фирибгарликнинг барча ҳолатлари эътиборга олинади.

Диссертациянинг «**Фирибгарликнинг юридик таҳлили ва унинг квалификация қилиш масалалари**» деб номланган иккинчи бобида ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг объектив ва субъектив белгилари ҳамда ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишни квалификациялаш масалалари таҳлил қилинган.

М.Х. Рустамбаев, Р.А. Муҳитдинов, А.В. Наумов, Л.Д. Гаухман, З.А. Незнамова, И.А. Клепицкийларнинг талон-торож қилишнинг объекти мулкка бўлган ҳуқуқ, мулкый манфаатлар, иқтисодий категория, юридик категория, иқтисодий ва ҳуқуқий категориялар йиғиндиси, деган қарашларини ёхуд умуман мулкни жиноятнинг объекти сифатида рад этиш лозим, деган фикрларини таҳлил қилиб, мазкур масалага ўз муносабатини билдирган.

Диссертант доктринал қарашлар ва халқаро тажрибага таяниб, ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг махсус объекти иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатлар мажмуи; турдош объекти мулкни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлардир, деган хулосага келган. Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулки ёки мулкый ҳуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар фирибгарликнинг бевосита объекти ҳисобланади. Шунингдек, диссертант фирибгарлик айрим турдаги жиноятларни содир этиш усули эканлигини эътироф этиб, бундай турдаги жиноятлар кўшимча объектли жиноятлар бўлиб, мулк ҳуқуқи дахлсизлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар кўшимча объект бўлади, деган нуқтаи назарни илгари сурган.

Фирибгарликнинг предмети кўчар ва кўчмас мулк бўлиши мумкин. 200 дан ортиқ суд ҳукмлари ўрганилганида кўп ҳолларда кўчар мулк, шунингдек пул, валюта бойликлари ва қимматбаҳо қоғозлар талон-торожнинг предмети бўлганлиги аниқланган.

Фирибгарликнинг предмети нафақат мулк, балки унга бўлган ҳуқуқлар ҳам бўлиши мумкинлиги жиноятнинг тугалланган вақтини аниқлашда аҳамиятга эгадир. Мулкый ҳуқуқларни ўзида акс эттирувчи ҳужжатлар турли хил фирибгарлик операцияларининг предмети бўлганлигига оид маълумотлар амалиётда талайгина. Фирибгар қўлга киритилган мулкка нисбатан мулкый ҳуқуқни акс эттирувчи ҳужжатларни олган вақтидан бошлаб, ушбу ҳужжат бўйича фирибгар тегишли мулкни буюм ёки пул эквивалентида қўлга киритган ёки киритмаганлигидан қатъи назар жиноят тугалланган ҳисобланади. Бошқача айтганда, мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритиши натижасида айбдор мулкнинг ўзини ҳам қўлга киритади.

Диссертантнинг фикрича, фирибгарлик ўзганинг мулки қўлга киритилган ва айбдорда ўз ихтиёрига кўра, талон-торож қилинган мулкни тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Агар айбдор жабрланувчининг ишончини суиистеъмол қилиши ёки алдаши натижасида мулкни қўлга кирита олмаса, унда қилмиш фирибгарлик содир этишга суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

Жиноий қилмишнинг субъектив томони онг ва ирода омилларининг муайян нисбати, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилгани, жиноят субъектининг мотивлари ва мақсадлари билан тавсифланади. Айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади. Фирибгарликнинг квалификацияловчи зарурий белгиси ғараз мақсад эканлиги тадқиқотчи томондан асослаб берилган.

Тадқиқот ишида Қ.Р. Абдурасулова, Р. Кабулов, Б.Ж. Ахраров, Р.А. Зуфаров, М.Ҳ. Рустамбаев, Ф. Тахиров, А.Г. Закирова, Ш.Ё. Абдуқодиров, Н.С. Салаев, У.М. Мирзаев, Т.Х. Хасанов, Ҳ.Р. Очиллов, А. Архипов, И.А. Мусьял, В.А. Маслов, А.А. Боровков, С.М. Мкртчян, И.А. Волкова, Н.А. Лопашенко, М.Ф. Мусаелян, Г.К. Смирнов Chad Orsen Albrecht, Edgar Alonso Lopez-Rojas, Gorton Dan, Lars-Göran Mattsson, Simin Nadjm-Tehrani, Anders Stenström, Janne Flyghed, Felipe Estrada, Adam Crawford, Alan Doig, Dominic Peltier-Rivest, Nicole Lanoue, Ayad H.A. Al-Azzawi ва бошқаларнинг мавзуга оид қарашлари ўрганилиб, фирибгарликнинг субъектив томонидан ғараз мақсадлар билан содир этилиши, фирибгарликни содир этиш усуллари ЖК 168-моддаси диспозициясида тўлиқ очиқ берилиши; «Кредитлаш соҳасидаги фирибгарлик», «Пенсиялар, ижтимоий нафақалар олиш ва расмийлаштиришдаги фирибгарлик» ва «Давлат харидлари соҳасидаги фирибгарлик» каби янги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланиши лозимлиги асослантирилган.

Жумладан, РФ, Испания, Италия, Германия, ХХР, Латвия, АҚШ ва Австрия давлатлари Жиноят кодексида тўлов карталаридан фойдаланиб, фирибгарлик содир этилганлиги учун махсус таркиб мавжуддир. Шунингдек, Грузия ва Озарбайжон давлатлари Жиноят кодексларида тўлов карталаридан фойдаланиб ўзгалар мулкни ёки мулк қисми ҳуқуқларини ўзлаштириш фирибгарлик жинояти оғирлаштирувчи таркибининг квалификациявий белгиси сифатида келтирилган. Шунингдек, Жиноят кодексини давлат харидлари соҳасидаги фирибгарлик учун жавобгарлик белгиловчи махсус таркиб билан тўлдириш таклифи ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига асосан, 2018 йил мисолида Ўзбекистон ЯИМнинг 15% улуши давлат харидларига сарфланган. 2018 йилда давлат ЯИМ қиймати 407,5 трлн. сўмни, давлат харидларига сарфланган сумма 61 042,9 трлн. сўмни ташкил этгани, ЯИМнинг 1/6 улушини ташкил этиши, шунингдек АҚШ, Германия ва Грузия давлатлари жиноят қонунида давлат харидлари соҳасидаги фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланганлиги билан юқоридаги таклиф асослантирилган.

Қонун чиқарувчи томонидан белгиланган жиноят субъектив томонининг ҳар бир белгиси мутлақо аниқ мазмун ва аҳамиятга эга ва уларнинг бирортаси ҳам бошқасини таркибий қисм сифатида ўз ичига олмайди. Бу фирибгарликнинг айб, мотив, мақсадни ўз ичига олувчи субъектив томонига баҳо беришда, айниқса, муҳимдир. Шахснинг ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишига бўлган руҳий муносабатини тавсифловчи айб кўриб чиқиладиган жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Мазкур бобда фирибгарлик тушунчасининг мазмун-моҳияти очиб берилган. Жумладан, фирибгарлик тушунчасига жиноят субъектив томони белгилари сингдирилиб, қилмишнинг «ғаразғўйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб» содир этилиши эътироф этилиб, 168-моддага квалификациявий белгини киритиш таклифи ишлаб чиқилиб, фирибгарликка муаллифлик таърифи берилган.

Муаллиф шахсининг алдаш ёки ишончли суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишига бўлган руҳий муносабатини аниқлаш қилмишни квалификация қилишда, айниқса, муҳим аҳамият касб этишини эътироф этади. Қонунда назарда тутилган айб шакли аниқлангандагина содир этилган қилмишда жиноят таркиби ва жинойи жавобгарлик асослари мавжудлигини қайд этиш мумкинлигини алоҳида кўрсатган.

Ишда қилмишни тўғри квалификация қилишдаги суд-тергов органларининг хатолари аксарият ҳолларда фирибгарликнинг субъектив томони мазмунини нотўғри баҳолаш билан боғлиқлигига эътибор қаратилиб, фирибгарликнинг субъектив томонини аниқ белгилашда Қ.Абдурасулова ва М.Рустамбаевларнинг ёндашувларини қувватлаб, фирибгарлик тўғри қасддан, ғараз мақсадларда содир этилишини эътироф этиб, ғараз мақсад қилмишни квалификация қилишда мазкур жиноят таркибининг зарурий белгиси эканлиги таъкидланади.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасидаги фирибгарлик таърифига ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлашда ифодаланувчи субъектив томон белгисини квалификациявий белги сифатида киритиш зарурлигини асослаб, ЖКга «168¹-модда. Кредитлаш соҳасидаги фирибгарлик», «168²-модда. Пенсиялар, ижтимоий нафақалар олиш ва расмийлаштиришдаги фирибгарлик» деб номланувчи моддаларни киритиш ва ЖК 175-моддасини янги таҳрирда қабул қилиш ва «Давлат харидлари соҳасидаги фирибгарлик» учун жавобгарлик белгилаш лозимлигини асослаган.

Қилмишнинг объектив ва субъектив белгилари ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлаш масаласида диссертант тадқиқ этилаётган жиноятларни таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сон қарорини ЖКнинг 168-моддаси билан квалификация қилишга оид, хусусан фирибгарликнинг кенгайтирилган тушунчаси ва компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш ҳақидаги тушунтиришлар билан тўлдирилиши лозимлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Фирибгарлик ва жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида ўзгалар мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг криминологик тавсифи ва детерминантлари, фирибгарликни олдини олишни ташкил қилишнинг асосий йўналишлари, фирибгарликка қарши курашишнинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган.

Таҳлилларга кўра, республикамизда содир этилган жами жиноятлар орасида фирибгарликнинг улуши йилдан-йилга ўсмоқда. Жумладан, ушбу кўрсаткич 2004 йилда жами жиноятларнинг 1,6%ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 11,7%, 2017 йилда 13,1%, 2018 йилда 15,1%, 2019 йилда эса 13,7%ни ташкил қилган.

Диссертант ўрганилаётган жиноятнинг сабабларини ўрганиш мақсадида ушбу турдаги жиноятлари учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумлар орасида анкета сўрови ўтказган. Унда иштирок этган 1395 нафар респондентларнинг 30,5% моддий етишмовчилик, 28,8% таълим-тарбиядаги камчилик, 17% ишсизлик, 13,5% ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги, 5,3% профилактик ишларнинг етарли эмаслиги, 2,2% ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги камчиликларни фирибгарлик содир этишнинг сабаби сифатида кўрсатган.

Фирибгарлик содир этилишида ишсизлик даражаси ҳам алоҳида ўрин тутуди. 2019 йилда ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 9,0%ни ташкил этган, бу эса 2018 йилга нисбатан 0,3%га пасайганлигини кўрсатади. Ишга муҳтож бўлган аҳоли сони 1 335,3 мингни ташкил этган, 16-30 ёшли аҳоли ўртасида ишсизлик 15% ни, аёллар ўртасида 12,8%ни ташкил этган. Ўзбекистонда 2017 йилда ишсизлик даражаси 5,2%ни, 2018 йилда 9,3%ни ташкил этган. Бу албатта расмий маълумотлар, тадқиқотчининг фикрича, ҳақиқий ишсизлик даражаси ушбу кўрсаткичлардан бир неча баробар кўпдир.

Фирибгарликнинг криминологик тавсифи ушбу жиноят ўз мазмуни ва моҳиятига кўра жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий вазият, шахснинг психологик ва ижтимоий мавқеига, оилада олинган тарбияга ёки меҳнат қилинаётган муҳитга алоҳида боғлиқлиги, шунингдек, фирибгарликнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлашда мамлакатдаги коррупция ҳолати ва ишсизлик даражаси ҳам алоҳида ўринга эга эканлиги аниқланган.

Фирибгарлик содир этган шахслар аксарият ҳолларда зарур малака ва мутахассисликка эга бўлганлиги сабабли, улар ўз меҳнат фаолиятлари ёки мансаб ваколатларидан келиб чиққан ҳолда одамларнинг ишончига кириб, уларга мулкӣ зарар етказганлар. Жабрланувчилар одатда фирибгар шахси ва мавқеи ҳақида янглиш тасаввурга эга бўлиб, уларга ишонч билдириб, алданиб қоладилар.

Ўтказилган сўровлар натижасига кўра, шахсларнинг олий маълумотли ёки юқори малакали мутахассис бўла туриб фирибгарлик содир этишига, аввало, олаётган иш ҳақи ёки ахлоқий жиҳатдан мазкур шахсларнинг жиноят содир этишга мойиллиги туртки бериши аниқланган.

Тадқиқотчи фирибгарликнинг олдини олишда жамиятдаги маънавий муҳит ҳам муҳим роль ўйнашини қайд этади. Бу, айниқса, жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият билан чамбарс боғлиқлигини таъкидлайди. Аҳолининг ҳуқуқий нигилизм даражасидаги ҳуқуқий онги ва билими беихтиёр уларни ўз муаммоларини ҳал қилиш учун сўзамон ва уддабурон фирибгарлар тузоғига осонликча тушиши сабаб бўлмоқда.

Диссертант тергов ва суд амалиётини ўрганиш натижасида, нафақат жисмоний шахсларга, балки юридик шахсларга нисбатан ҳам фирибгарлик содир этилаётганлигига эътибор қаратиб, банк соҳасидаги фирибгарлик, суғурта соҳасидаги фирибгарлик, юқори технологиялар соҳасидаги фирибгарлик, хусусий бандлик агентликлари томонидан содир этилган фирибгарлик, автомобилларни турли имтиёзли шаклда ижарага олиб бериш ёки автомобилни бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича юзага келган ҳар бир ҳолатга криминалогик тавсиф берган.

Ўзбекистонда 2017-2020 йиллардаги содир этилган фирибгарлик мазмуни ва йўналишининг таҳлили бу соҳада уюшган гуруҳлар асосан жамият аъзолари эҳтиёжлари ва қизиқишлари, қийинчиликларидан келиб чиққан ҳолда жиноий режалар тузаётганлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Шу боис, тадбиркорликни ривожлантириш ва янада эркинлаштириш жараёнида «сохта тадбиркорлар» томонидан фирибгарлик йўли билан аҳолининг пулини ўзлаштириш имкониятларини қонуний чеклаш ва ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қатъий чоралар кўриш зарурдир. Шунга кўра, диссертант мазкур чора жабрланувчилар ва жиноят натижасида етказилган зарар миқдорининг ортиб кетиш хавфи мавжуддир, деган хулосага келган.

Шунингдек, мазкур бобда жиноятчи шахсининг белгилари қуйидаги уч асосий гуруҳга: ижтимоий-демографик, жиноят-ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий ва психологик тавсифга ажратилиб ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноий жазони ижро этиш бош бошқармаси тизимидаги жазони ижро этиш муассасаларида ЖК 168-моддаси бўйича жазони ўтаётган 1395 нафар маҳкум ўртасида ўтказилган сўровда уларнинг 527 нафарини 31-40 ёшдаги, 406 нафарини 41-60 ёшдаги, 344 нафари 18-30 ёшдаги шахслар эканлиги аниқланган.

Фирибгарликнинг географиясига кўра, унинг салмоқли қисми Тошкент шаҳри (20%), Фарғона вилояти (13%), Самарқанд вилояти (9,7%), Тошкент вилояти (8,6%) ҳиссасига тўғри келган.

Сўров натижасига кўра, фирибгарларнинг маълумоти ва интеллекти даражаси таҳлил этилганида, уларнинг 483 нафари ўрта махсус, 462 нафари ўрта, 401 нафари олий маълумотли бўлган.

Фирибгар шахсига хос бўлган қуйидаги индивидуал белгилар аниқланган: ақл-заковатининг яратувчилик маҳоратига эга эканлиги, уддабуронлик, артистлик белгиларга эга эканлиги, осонликча мулоқотни йўлга қўя олиши, хушмуомалалик, атрофдагиларда яхши таассурот қолдириш қобилияти, айёрлик, фаоллик, тез қарор қабул қилиши, ишонтириш қобилиятининг мавжудлиги, воқеалар ривожини режалаштириш қобилиятига эгаллиги, мослашувчанлик ва эгилувчанлик, таваккал қилиш даражасининг юқорилиги, ўзини ўзи назорат қилишнинг юқори даражаси, сабрлилик ва бошқалар.

Фирибгарликнинг олдини олишда жабрланувчининг жиноят содир этилишидаги ўрни, унинг хулқи ва ҳуқуқий онги даражаси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, фуқароларнинг «ўзини ушбу соҳада энг тажрибали ва ишни тез битириб берувчи шахслар» тuzоғига тушишига, аввало,

жабрланувчиларнинг фирибгарлик ва унинг детерминант оқибатлари ҳақида етарли билимга эга эмаслигига алоҳида эътибор берилиши кераклиги илгари сурилган.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида вояга етмаганлар томонидан ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг бошқа турларига нисбатан кам содир этилгани аниқланган. Бунга бир қанча сабаблар таъсир кўрсатиши аниқланган:

– вояга етмаганлар томонидан фирибгарлик содир этиш сценарийсини ишлаб чиқишнинг мураккаблиги;

– муваффақият гарови бу жиноятчига нисбатан ишончнинг шаклланиши эканлиги. Табиийки, вояга етмаган шахснинг бошқалар ишончига кириши ёши ва ҳаётий тажрибаси нуқтаи назардан мураккаблиги.

Диссертант фирибгарликка қарши курашиш ва уни олдини олишда, энг аввало, ижтимоий ҳаётда фуқаролар энг кўп фирибгарлик қурбони бўлаётган соҳаларни ажратиб олиш зарурлигини қайд этган. Ушбу соҳалар ҳар бир даврда ўз хусусиятига кўра турли йўналишларда бўлиши мумкин. Жумладан, пул-кредит, автомобиль олди-сотдиси, хайрия жамғармалари ва уларнинг фаолияти, қурилиш ва риэлторлик фаолияти, рекрутинг ташкилотлар ва бошқалар. Фирибгарликка қарши курашишда унинг барча шакллари учун бир хил профилактик усулни қўллашнинг ўзи етарли эмас. Шу боис, барча шаклдаги фирибгарликка қарши курашишда уларнинг ҳар бирининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ёндашувлар ишлаб чиқиш талаб қилинади.

ХУЛОСА

«Фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

I. Жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларининг назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар:

1. Фирибгарликнинг қуйидаги таърифи ишлаб чиқилди:

«**Фирибгарлик** – ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда эгалланиши, шунингдек мулк ёки мулккий ҳуқуқнинг текинга қўлга киритилишида ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имкон яратиш».

2. Роман-герман ҳуқуқ тизимида мансуб айрим мамлакатлар жиноят қонунчилиги қиёсий таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими ушбу оиланинг аъзоси бўлса-да, фирибгарлик тусига эга қилмишларни криминализация қилишга бўлган миллий жиноят-ҳуқуқий ёндашув фарқланиши таъкидланиб, ушбу тафовутлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1) роман-герман ҳуқуқ тизимида мансуб давлатлар жиноят қонунчилигидаги фирибгарлик тушунчаси, унинг объекти мол-мулк муҳофазасини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи талон-торождан ажратилган.

Аксарият ҳолларда, фирибгарлик фойда олиш мумкин бўлган деярли барча соҳаларда амалга оширилиши мумкинлиги эътироф этилган. Шу сабабли, фирибгарлик жуда кенг талқин қилинади ва у содир этишнинг алдаш (интеллектуал) усулига боғланади;

2) фирибгарликнинг объектив томонини тавсифловчи асосий усул сифатида кўпинча алдов кўрсатилган. Бунда, алдов нафақат интеллектуал таъсир орқали, балки айбдорнинг ўзи ёки учинчи шахснинг мулкӣ фойда олиш унинг бошқа турли ҳийла-найрангларни ишлатиши билан тавсифланади;

3) аксарият давлатлар жиноят қонунида ишончли суиистеъмол қилиш мустақил жиноят таркибини ташкил этади ва шахснинг ўзи эгаллаб турган лавозимидан фойдаланиб, унга билдирилган ишонч суиистеъмол қилинишини назарда тутади. Баъзи мамлакатлар ЖКда ушбу белги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (Финляндия, Испания). Мазкур қоидаларда ишонч нафақат эгаллаб турган лавозими билан боғлиқ, балки жабрланувчи ва айбдор ўртасидаги шахсий ўта ишончли муносабатлар сифатида изоҳланади;

